



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 86 (10.139)

2004 ЙИЛ 5 МАЙ

ПОЙТАХТНИНГ Бир КУНИ Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сўзларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти матбуот хизмати ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликларида Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами арафасида «Ўзбекистон — буюк келажак сари» китоби чоп этилган. Эндиликда мазкур китобнинг рус, инглиз, ўзбек тилларида лазер диск ва мультимедия варианты яратилди.

● **БУГУН** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон — либерал демократик партияси Ҳамза туман Кенгаши галдаги вазифаларни белгилаш ва партия билетларини тантанали топширишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

● **ЭРТАГА** 31-мехрибонлик уйда «Сен ёлғиз эмассан» Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликларида ҳар ўқув йили якунида ёрдამчи мактаб, мактаб-интернат ўқувчилари ва Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида касб-ҳунар бўйича эгалланган билимларини синаш мақсадида ташкиллаштирилган «Мехнат байрами» бўлиб ўтади.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида республика олий ўқув юртлири талабалари театр-студияларининг «Нихол» фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **МЕХР ВА** мурувват йили муносабати билан 22-Мехрибонлик уйда тарбияланувчилар иштирокида «Бахт-иқбол ҳуқуқига эгаман» мавзусида ўтказилган кеча Чилонзор туман ҳокимлиги ва «Янгиобод» маҳалласи ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз

Қудратли техникалар келгусида ана шундай ёшларимиз томонидан барпо этилади.

СУРАТДА: уста Дониёр Саидахмедов талабаларга автомобиль йиғиш жараёнини кўрсатмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишида Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Президент Ислам Каримов томонидан қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан қилишни лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. Унда республикамиздаги барча олий ўқув юртлири ректорлари ва проректорлари иштирок этди.

ТАРБИЯ — ТАЪЛИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

29-30 март ва 1 апрелдаги террорчилик ҳаракатлари нафақат жамиятимиз, балки бутун жаҳонни ларзага солди, деди йиғилишни очар экан олий ва ўрта махсус таълим вазир С.Ғуломов. Президентимиз Олий Мажлис сессиясидаги ўз нутқида экстремистлар тўрига, асосан, оиласи ва ўқув юртида етарли тарбия олмаган ёшлар тушиб қолганини таъкиллади. Шу сабабли ёшларни зарур билим ва касб билан таъминлашдан ташқари ватанпарварлик, давлатимиз мустақиллигининг олий мақсадлари руҳида тарбиялашни кучайтириш лозим.

— Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон халқини демократик ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган яратувчанлик ишида жиёслаштирган асосий омилга айланди, - деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари А.Азизжонев. — Ёшлар - бизнинг таянчимиз, келажакимиз. Шу боис

барчамиз ҳозирги ёшлар жамиятимизнинг муносиб аъзолари, юксак маънавиятли шахс, ўз Ватанига содиқ бўлиб ўсиши учун ғамхўрлик қилишимиз керак.

Фақат юксак маълумотга эга кишиларгина осуда ҳаётимизга ҳар қандай йўллар билан раҳна соломқчи бўлаётган турли экстремист ва террорчиларнинг ҳийла-найранглирига қарши тура олади. Бу борала ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, миллий онгини мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Ўқув юртлирида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, расмийчиликни йўқотиб, биринчи навбатда ёшлар эҳтиёжларига йўналтириш лозим.

Йиғилишда олий ўқув юртлирида бундай ишлар етарли даражада самарали олиб борилмаётгани ҳақида сўз борди. Барча олий ўқув юртлирида услубий база билан

таъминланган «Маънавият ва маърифат» марказлари ташкил этилган. Бироқ ўсмир ва қизларнинг бир қисми мураббий назаридан четда қолмоқда, ўқишдан бўш вақтларини ўзлари билганича ўтказмоқда. Ҳар бир талабага ўзига хос ёндашушни топиш, уларни халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, умумбашарий ва миллий қадриятлар мисолида тарбиялаш жараёнини ташкил этиш зарур. Бу ишларни нафақат олий ўқув юртлирида, балки талабалар ётоқхоналарида ҳам олиб бориш, талабаларнинг ижтимоий ҳаётга кенгрок жалб қилиш лозим.

Йиғилишда республикамизнинг барча олий ўқув юртлирида Президентимизнинг Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқини ўрганишни ташкил этиш тавсия этилди.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

ХҲҲ сағоси

Барча мақбаладан олдин сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Банклар ассоциацияси Кенгашининг махсус дастурига мувофиқ юртимизга келган Латвия банки ва Олий таълим Банк институтининг бир гуруҳ мутахассислари ва профессор-ўқитувчилари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бўлишди.

● Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси тасарруфидаги олий ўқув юртлири касба уюшма кўмиталари раисларининг бир ҳафталик малака ошириш ўқуви бўлиб ўтди.

● Халқро меҳнатни ташкил қилиш тақшилот мутахассислари Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Бозор қўнимларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз тадбиркорлигига мўлжалланган «Директория» номи қўлланмани нашрдан чиқардилар.

● Жиззах туманида фаолият юритаётган «Нутқ ўстириш» маркази уюштирган семинарда Тинчлик корпуси вакили америкалик М.Пинелопанинг иштироки тадбирининг янада мазмунли ўтишини таъминлади.

Жаҳонда

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан мамлакатда тинчликни таъминлаш мақсадида Россия, Франция ва Германия давлатлариغا Ироқ ўз қўшинларини киритишни тақлиф қилди. АКШ ҳозирда юқоридаги давлатлар ҳукуматлари билан музокара олиб бормоқда.

● Польша Президенти саройида мамлакатнинг янги ҳукумати қасамёд қилди. Мамлакат Президенти Александр Квасьневски Марек Белкуни Бош вазир этиб тайинлади. Польша янги ҳукуматида Ежи Шмайдинский мудофаа вазир, Владземиш Чимошевич эса ташқи ишлар вазир лавозимида фаолият юритади.

● Испаниянинг собиқ Бош вазир Хосе Мария Аснар ҳақиқатан ҳам унинг ҳукумати 11 мартдаги террорчилик ҳаракатларига қадар ислом террорчилари хавфини аниқ баҳолай олмаганини илк бор тан олди.

● Афғонистонда толиблар Забул жанубий провинциясида ўғирланган 5 нафар ҳукумат полициячиларини қатл этдилар.

● Германия маъмурлари амалга оширилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатлари тўғрисида маълумотлар олганликлари сабабли ўз ҳарбий-ҳаво қучлари базаларида хавфсизлик чоралари кучайтирилишини билдирдилар.

Ўзбекистон Бадий академияси Маданият қарвон саройида Европа Иттифоқининг кенгайишига бағишланган фотокурғазма очилди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ — ФОТОИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Шу йил биринчи май куни Европа Иттифоқи янги аъзо давлатлар - Польша, Чехия, Болтиқбўйи мамлакатлари, Венгрия, Мальта, Словакия, Словения, Кипр ҳисобига кенгайди. Шу тарика мазкур Иттифоққа аъзо давлатлар сони 25 тага өтди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг мазкур давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий соҳалардаги

ҳамкорлигини янада ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент Фото уйи ҳамда Европа давлатларининг юртимиздаги элчионалари билан ҳамкорликда ташкил этилган курғазмада Европа Иттифоқи янги аъзо бўлиб қирган ўн мамлакат фотоижодкорлари асарлари намойиш этилмоқда.

МИНТАҚАМИЗДА ЯГОНА

«Ўзстандарт» агентлиги Туркия стандартлар институти билан ҳамкорликда ташкил этган Ўзбекистон-Туркия тест марказининг махсулотларни синовдан ўтказишга мўлжалланган янги лаборатория биноси тақдимоти бўлиб ўтди.

Замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу лаборатория Марказий Осиёда яғонадир.

Қўшма корхона мақомига эга марказда тўқимачилик, пойабзал ва электротехника саноати махсулотлари юқори аниқликда синовдан ўтказилиб, тегишли сертификат берилди.

ЎЗА

Иқтисодий

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» очик ҳиссадорлик жамияти жорий йилда корхона цехларини янги замонавий тикув машиналари билан янгиледи.

Бугунги кунда жамиятда 280 нафарга яқин ишчи-хизматчилар унумли меҳнат қилмоқдалар. 200 ўринли цехда Белоруссиядан келтирилган 157 та «Орша» номли замонавий, мустаҳкам, ишлатишда қулай тикув машиналари қўли гул чеварларнинг иш унумини оширишга омил бўлди. Улар асосан давлат буюртмаларини бажардилар, яъни тикувчилар ички ишлар хизмати ходимлари, бошқа соҳа ишчилари учун махсус иш кийимлари тикадилар.

Корхона жамоасининг сифатга асосий эътибор қаратиши, буюртмаларнинг муддатида бажарилиши муваффақиятлар омили бўлмоқда. Масалан, ўтган 2003 йилда жамият аҳли 481 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарди, ундан олинган соф фойда 5 миллион 400 минг сўмни ташкил этди. Эътиборли томони, бу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан 11 фоиз оқорибди.

ЯНГИ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Ички бозоримизда маҳсулотлар қанчалик кўпаймасин, харидорлар уларнинг сифати, нархи, қадоқлиниги алоҳида аҳамият берадилар. Бугунги кунда ноозиқ-овқат саноати учун кўплаб корхоналар сифатли қадоқлаш идишлари ишлаб чиқармоқдалар.

Яккасарой туманидаги «Антен-плюс» хусусий фирмасида бир неча йиллардан буён тунука идишлар ишлаб чиқарилмоқда. Жамоа аҳли буюртма асосида турли ҳажмдаги ҳар хил сизимли идишларни пойтахтимиздаги турли корхоналарда чиқарилаётган лок-бўёқ маҳсулотларини қадоқлаш учун тайёрлаб бермоқдалар.

— 1996 йилдан тadbиркор сифатида иш юрита бошлагандим, — дейди фирма директори Абдуғани Мухамедбоев, — аввало улгуржи савдо билан шуғулланиб, маълум миқдордаги сармога тўплагач, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда 4 нафар ишчи-хизматчилар билан биргаликда ностандарт дастгоҳларда бир кунда 1000 донагача қадоқлаш идишлари ишлаб чиқармоқдамиз.

Маъмур корхона тadbиркорлари ички бозорни чуқур ўрганиш, изланишлар асосида катта мақсадларни кўзлаб, меҳнат қилмоқдалар. Жорий йил охиригача улар қўшма корхона тузиши ҳамада замонавий хорижий технологиялар ёрдамида рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режаланганлар. Шу билан бирга, корхонада янги иш ўринлари ҳам яратилади.

Мухаббат
ХАБИБУЛЛАЕВА

Бугун мамлакатимиз ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик олий қадрият саналган мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам меҳнат жамоалари халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари тараққиётига ўз улушини қўшиб келмоқда. Айтиш мумкинки, биз барпо этаётган, мутафаккир аждодларимиз орзу қилган озод фуқаролик жамиятининг негизини меҳнат жамоалари ташкил этади.

Меҳнат жамоалари — корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ишчи ва ходимларнинг фаолиятини амалга оширувчи ижтимоий бирлашмалар бўлиб, инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклландирган ижтимоий-маънавий муҳитдир. Улар кишида жамоавийлик, меҳнатсеварлик, омилкорлик, адолат тушунчаси, меҳр-оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хос маскан ҳисобланади. Меҳнат жамоалари турли миллат ва динга мансуб одамларни дўстлик, ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида яшаш ва ишлашга ўргатади. Бу эса, ўз навбатида, соғлом маънавий-мафкуравий муҳитни вужудга келтиришда муҳим омил вазифасини бажаради.

Бозор муносабатларига ўтиш, хусусийлаштириш жараёнларида меҳнат жамоаси манфаатлари иккинчи даражали масалага айланиб қолмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай ижтимоий шароитда ҳам тараққиётга эришишда меҳнат жамоалари асосий ўрин тутди. Меҳнат шартномаси асосида умумий мақсадлар йўлида меҳнат қилаётган жамоа манфаатдор бўлмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги исбот талаб этмайди. Меҳнат жамоаларининг таркиби муайян инсонлардан ташкил топган, демаски у инсон манфаатларини ифода-лаши керак.

Ижтимоий жиҳатдан уюшиб яшашнинг жамоа шакли Ўзбекистон халқининг тарихан хос бўлиб, бу унинг маънавий турмуш тарзи билан чамбарчас

боғлиқдир. Шу билан бирга миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргалайда истиқомат қиладиган минтақалар, давлатлар тинчлиги ва барқарорлигининг кафолати бўлиб хизмат қилиши билан бирга тараққиёт омили ҳамдир. Мамлакатимизнинг ўзини ҳам бир жамоа деб, катта оила сифатида қараш мумкин. Бунда ўзаро ҳурмат ва ўз бурчини қатъий бажариш ва ўзаро ғамхў-

лик ва ҳамжиҳатлик иқлими унинг давлат ва жамият бошқаруви, жамоатчилик назорати ишларида самарали иш-тирокини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида соғлом маънавий-мафкуравий муҳитни вужудга келтиришда муҳим омил вазифасини бажаради.

Меҳнат жамоасидаги турли миллат ва турли этниқодга мансуб одамлар ўртасидаги дўстлик, иноқлик, ҳамжиҳатлик жамиятга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Яққалиқдан умумийликка, яъни муайян бир меҳнат жамоасидаги яққиллик, тотувлик, толерантлик бутун бир давлат ва жамиятда инъикос этади.

Шу билан бирга, умумийликдан яққалиқка, яъни давлат ва жамиятнинг миллатлараро тотувлик йўлидаги сая-ҳаракатлари ҳам муайян меҳнат жамоасидаги миллий муносабатларга ўзининг таъсирини ўтказди.

Инсонга миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари оиладан, боғча ва бошланғич мактаб давриданок бериб борилса-да, у айнан меҳнат жамоаларида шакл топади. Меҳнат жамоаларидаги миллатлараро муносабатларни шу жамиятдаги миллий тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Ягона мақсад йўлида меҳнат жамоаларига уюшган турли миллатга мансуб кишилар ўртасидаги тотувлик ва толерантлик жамият тараққиётига хизмат қилади. Буюк келажа сари интилиб яшаётган мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшиб бораверади.

Барқарор тинчлик ва осойишталик ҳўкм сураётган юртда, адолатли, ҳўқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан дадил бораётган мамлакатда тугулиб, яшаб ва меҳнат қилаётганидан фахру ифтихор ҳиссини туйиш, унга муносиб бўлишга интилиш миллатидан қатъий назар ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчи ҳисобланади.

Ақром АДҲАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳўзуридаги
Давлат ва жамият қурилиши
академияси тингловчиси

Ягона оилада

МИЛЛАТЛАРАРО
ТОТУВЛИК —
БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

рлик бўлмаса, фаровон ва муносиб ҳаёт кечириш мушкулдир.

Мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Президентимиз Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, қуйидагича таъкидлаган: «Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдирини учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намойиш этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида маъсул бўлишдан ҳам иборатдир». Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умумийлик ғояларини ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб, амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугун биз кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш даврида яшаймиз. Бунда фуқаролар ўзини-ўзи бошқарув тизимининг муҳим бўғини саналган меҳнат жамоалари асосий ўрин тутуши керак. Меҳнат жамоаларидаги тотув-

Ҳиссондорларимиз

МАҲОРАТИ
МЕҲНАТИДА НАМОЁН

Халқимизда топиб айтилган иборалар жуда кўп-да. Ана шулардан бири — «Меҳнат инсонни улуглайди» ибораси бежизга айтилмаган. Чиндан ҳам ҳалол ва баракали меҳнат, қалб кўри, муҳаббат билан бажарилган иш инсонни элга танитади, ҳурмат-эътиборга сазовор этади.

«Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» ёпиқ акционерлик жамияти чевари Қумри Бердиева ҳам ана шундай оддий, лекин фойдали меҳнати, хунарига садоқати билан ҳурмат топганлар сирасидандир. Шу боисдан ҳам унинг меҳнатлари муносиб тақдирланади кўксини «Шўхрат» медали беради. Бундан нафақат Қумри опа, балки барча ҳамкасблари, устоз шогирдлари мамнун бўлишди. Бу албатта, чеварнинг ушбу корхонада салкам 30 йиллик фаолияти, меҳнат муваффақиятлари самарасидир.

1977 йилда корхонанинг тикув цехида иш бошлаган Қумри Бердиева устозлари Азиза опа Азаматова, Санобар опа Исломовадан чеварлик сирларини кўнт билан ўрганди. Бош кийимлари тиқишда нималарга эътибор қаратиш, чокларнинг текис ва чиройли бўлишига аҳамият бериш сингари устозлар ўғитлари амаж қилди. У ҳаммаша ўзига топширилган юмшга астойдил

киришди, билмаганини сўрашдан, ҳамкасблари тажрибасини ўрганиш, ҳаракатларини кузатишдан чарчамади.

— Цехимизда 100 нафардан зиёд тикувчи орасида Қумри Бердиева ўзининг алоҳида маҳорати билан ажралиб туради, — дейди цех бошлиғи Мухтабар



Нурмухамедова. — У ҳозирда ўз тажрибаларини ёшларга эринмай ўргатмоқда. Бугунги бозор шароитида сифатли маҳсулот тайёрлашга муҳим ҳисса қўшмоқда. Бош кийимлари тай-



ёрлашда бажариладиган ҳар бир операцияни пухта эгаллагани боис ҳам ўзига топширилган ҳар қандай ишни астойдил бажаришга интилади. Энг муҳими у ўз касбига меҳр-садоқатли, ҳамкасбларига меҳрибон, ҳаммаша ёрдамга шай туради.

Бугунги кунда корхонада мавсумий бош кийимлари тайёрлашга эътибор қаратилган бўлиб, уларни тиқишда, харидор ва буюртмачиларга етказиб беришда Қумри Бердиева ҳамда унинг ҳамкасб ва шогирдлари Люба Кулишева, Мавжуда Зиёдова, Зўра Раулова, Мавжуда Мираҳмедова сингари моҳир чеварларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Албатта, корхонамизда ишчи-хизматчилар учун яхши иш ва қулай дам олиш шароитлари яратилганлиги бизни мамнун этади, — дейди нишондор Қумри

Бердиева. — Меҳнат ютуқларига эришишда, сифатли маҳсулот тайёрлашда бунинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Тикаётган ҳар бир маҳсулотимиз ўз харидорига етиб борса, бугунги талаб ва эhtiёжни қондирса, бу биз чеварларни руҳлантиради. Шу боисдан ҳам бугунги ҳаракатимиз, изланишларимизни харидоргир бош кийимлари тиқишга қаратмоқдамиз.

Қумри Бердиеванинг жамоада ўз ўрни, эътибори бор. Бу мавқега у ўз меҳнати ва маҳорати туйфайли эришган.

Дилноза ГИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: «Шўхрат» медали соҳибаси Қумри Бердиева навбатдаги буюртмаларни тикмоқда; ушбу янги маҳсулотлар харидорларни мамнун этиши, шўҳасиз.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.

Ижодкор ва замон

Ҳаётда шундай ҳақиқатлар борки, улар китобхон онги ва руҳиятида катта ўзгаришлар ясайдил, уни ўйлашга, фикр юритишга ҳаёт ҳодисалари, инсон кечинмаларини чуқур таҳлил этишга, ундаги ўзгаришларнинг туб моҳиятини тўғри тўшунишга ёрдам беради. Инсон умри давомида маънавий изланишларда бўлади. Геологлар тоғу-чўллари кезиб қадрли баланд қимматбахо нарсаларни излашади. Шунга ўхшаб, инсондаги маънавий изланишлар ҳам унга азиз туюладиган руҳий эҳтиёжларини қондирадиган неъматларга қаратади. Дини, миллати, irqдан қатъи назар ҳар бир қалбни ўзига оҳанграбодек тортидиган ижодкорнинг ижодини ҳақиқий истеълоҳ деб аташимиз мумкин. Аммо Оллоҳ ато этган табиий хислатлар ўз-ўзидан қаноат ёзиб шаклланиб кетавермайди. Бунинг учун заҳмат чекиб, кўз нури, юрак кўрени аямай, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, китоблар саҳифаларига синдириб юборилган ҳақиқат сирларидан воқиф бўлиш керак. Чунки, том маънодаги илм, поклик ва меҳр-муҳаббат туйғуси билан йўғрилган шахсгина катта ижодкор сифатида майдонга чиқини, асарларида бу хислатлари янада ёлқинланиб китобхонларни меҳриғиёдай ўзига тортиши мумкин.

Ўтган асрнинг 60-йилларида ўз иккинчи дорли тенкурлари билан бирга ўзбек шеърини янги бир даврни бошлаб берган Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов шеърини ана шундай адабий-эстетик, фалсафий кучга эгалли ҳеч бир китобхонга сир эмас.

Бутун газетамиз меҳмони ана шу улкан қалб соҳибидир.

— Абдулла ака, адабий муҳит ва ундаги турли жараёнлар хусусида ўртага ташлаган фикр, мулоҳазаларингиз ҳамisha адабий жамоатчиликни қизиқтириб келган. Бу борада бутунги қарашларингиз, қузатувларингиз қандай?

— Адабий жараён фақат бир шахснинг иштироки билан шаклланиб қоладиган воқелик эмас. Бундай пайтларда одатда муҳит ёхуд имкониятлар таҳлил қилиниши мумкин. Аммо дунёда фақат ўзига ўзи ҳисоб бера оладиган, дидига хиёнат қилмайдиган куч ҳам мавжудки, ҳақиқий адабиёт фақат унга таянади. Айни дамларда адабиётимиз босиб келатган йўллар ҳаммаизга маълум. Адабиётнинг ялли тараққиёти, ҳеч шубҳасиз, давр ва халқ нафаси яратган иқлимга кўп жиҳатдан боғлиқ. Лекин ижод аслида индивидуал иш-ку! Бирор-бир шахста табиат маълум бир иқтидор бермаган бўлса, ҳеч бир тузум қонун ё фармон билан уни ато этолмайди. Дейлик, кимингидир феълида ҳасад, ичқоралик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, майдакашлик каби иллатлар устувор бўлса, уни бу каби қора тамгалардан Ёзувчилар уюшмасига аъзолик гувоҳнома сориғ эта олмайди-ку. Барибир одам боласи ўз табиатида кўра жамоа бўлиб яшайдиган жонотлар туркумига кираси. Шундай экан, катта халқ манфаатлари қулоч ёган шароитда майда-чуйда хатти-ҳаракатлар бора-бора кўмилиб кетиши шубҳасиз. Биз адабиётнинг катта йўналиши ҳақида фикр юритганимизда, асосан, катта ҳақиқатларни, тарихнинг муҳими бурлиши йўналишларини кўзда тутамиз. Ана

шундай энг йирик, айтиш мумкинки, халқимиз учун ҳаёт-мамат жараёни Муствақиллигимиз бўлди.

Мен адабиётимизда турли ҳис-туйғулар, ранг-баранг маззлар, услублар гуллаб-яшнашининг тарафдориман. Бироқ у сазй-ҳаракатлар миллий менталитетимиз, ҳамда халқимизнинг манфаатини, борингки, тақдирини белгилловчи туйғуларга ҳамоҳанг бўлиши шарт.

Дейлик ҳозирги баъзи қийинчиликлар туфайли бирор мактаб биноси таъмирланмай турган бўлса — бу бошқача хулоса чиқаришга асос бўламайдикю.

Бундай мисоллар, агар адабий асарга айланса борми, у ҳеч шубҳасиз эс-хуши жойида бўлган ҳар қандай китобхоннинг фашига тегади, тажрибасиз ёшларни эса чапгатади.

Мен ушбу фикрларим билан «Келинг,



ҚАЛБНИЙ
БУЙРУҚ БИЛАН
ТЎХТАТИБ
БЎЛМАС

Ҳар гал бу ижодкорнинг ижоди ҳақида фикр юритмоқчи бўлаганимда унинг шеърини қаршида қаламимнинг бениҳоя ожизлигини ҳис қилардим.

Озод ШАРАФИДИНОВ,
адабиётшунос олим

ҳамма ишимиз беш», — дея эрта-ю кеч жар солиб юрайлик, лемоқчи эмасман. Орзуим шуки, авваламбор адибнинг нияти тўғри бўлсин. Шу билан бирга адабий асар маҳорат билан яратилиб, санъат асарлари даражасида адабиётимизда ўз ўрнига эга бўлсин. Шу маънода айтмоқчиманки, неча ўн йиллар оша минглаб асрлар силсиласида юксак маҳорат билан яратилган камдан-кам ижод намуналарига китобхонни ҳайратга солиб келмоқда. Адабий жараён хусусида гапирар эканмиз, ижодкор ўз ўнисида ўзи ёққан оловда ўзининг ёғида ўзи қоврилиб таом пишираётган экан, унинг қўшини ўчоқ билан нима иши бор? Яъни бирор шоирнинг услуби ёхуд оҳанги буткул шеърини ятада етакчилик қилишга даъво қилмаслиги керак. Ижод маҳсулининг баҳосини китобхонлар беради, деган қадимий хулосага ҳам беписанд қарамаслик лозим.

— Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига Сизгадан бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюрди. Ташрифдан кўзда тутилган асосий мақсад хусусида тўхталиб ўтганимиз.

— АҚШнинг Сизгад шайри билан Тошкент биродарлашган бўлиб, икки шаҳар ўртасидаги дўстона алоқалар кўп йиллардан буён самарали давом этиб келмоқда. Бу дўстона алоқаларнинг ривожига Вашингтон университети профессори ва Марказий Осиё дастури директори, биро-

ларлашган шаҳарлар ассоциацияси вице-презенти Илза хоним Сиртаутаснинг хизматлари катталар. Илза хоним тилимизда бийрон гапирди. Маданиятимизни, урф-одатларимизни яхши ўрганган бўлиб маданий алоқаларимизнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бир вақтлари пойтахтимиз делегацияси таркибиде Сизгад шайрига борганман. Уларда ёзувчилар уюшмаси йўқ, бироқ сизгадликлар бадиий адабиётга берафқ қарамайдилар. Шунингдек ўзбек алиблари ижодидан намуналарнинг ҳар йили Сизгад шайрида нашр этилиши, севимли журналимиз «Шарқ юлдузи»ни пойтахтимизда икки тилда чиқарилишининг режалаштирилиши ҳамкорлигимизни янада кучайтиради. Ташрифдан кўзда тутилган асосий мақсад бутунги адабий жараён янгиликлари, адабий нашрлари-

зилмаётгандек, деб нега қўрқиб савол бера-сиз. Бу ҳаммага аёнку.

Жаҳон майдонига чиқолмаслигимизнинг сабаблари бор. Биринчидан, унга лойиқ асарлар керак. Иккинчидан, асарларимиз лойиқ даражада таржима қилиниши керак.

— Абдулла ака, авваламбор ҳаётда нималардан кўпроқ илҳомланасиз? Шунингдек ижодингизда узоқ муддатли танаффус бўлса қандай ҳолатга тушасиз?

— Ижоднинг асосида икки нарса ётади. Заъв ва илҳом. Заъв ҳайвонотда ҳам бўлади. Масалан, қушлар бир-бирига илтифот қилади. Қўркам бор ёки гулшанда хонши қилади. Лекин инсон завқининг замирида агар у ижодкор бўлса, жуда катта маънавий манба ётади. Англаб қилинган заъв илҳомга туртки бўлади. Асли илҳом инсон қалбиде туйғулар мувозанатининг бузилишидир. Мувозанат бузилгандан кейин қалб жунбушга келиб тил сўзлайди. Кўзда ёш қалқийди. Илҳом фақат қувонч эмас, шоир эштироби сатрлари ҳамдир. Ҳаётда нимадан илҳомланиб яшасиз? деган саволга келсак, яхши одамларни кўрсам қувонаман. Дили тоза, пок одамлар афсусли орамизда жуда кам. Уларни ҳамisha ҳам учратавермаймиз. Ижодимда танаффус бўлишини тасаввур қила олмайман. Ижодкорнинг юраги уриб, ақли ишлаб турган бўлса унга ҳеч ким танаффус беролмайди. Агар ба-шарти қўли ёзолмай қолган тақдирда ҳам қалби тирик бўлса у ижод қилишдан тўхтамайди. Ижод бу газета учун ёзиш дегани эмас, албатта. Чунки ижодкор истаган пайтда ўз туйғуларини тўкиб солаверади. Хулоса қилиб гапирадиган бўлсак ижодий танаффус икки ҳолатда бўлиши мумкин. Бир ижодкор дунёдан кўз юмса, иккинчиси фикрлашдан тўхтаб. Қалбни ҳеч ким буйруқ билан тўхтаб олишга қодир эмас.

— Инсон ҳаёт йўлида давом этар экан, баъзан-баъзан тўхтаб орқага қарайди. Ва нотўғри ташлаган қадамларидан афсусланади. Айни дамда четдан туриб ўз-ўзингизга танқид назари билан қараган ҳолда қайси ташлаган қадамингиздан кўпроқ азизг чекасиз?

— Одам боласи ўтган умридан ҳар доим ҳам рози бўлавермайди. Чунки бу ҳаётнинг сўқури сўқмоқларининг қарида хато қилганини унинг ўзи жуда яхши билиши. Шунинг учун у ўзига ўзи жавоб берсин. Ўзимга жавоб берадиган бўлсам, кўп вақтим бекор ўтган. Одамларга қаттиқ ишонганман. Ҳаммани яхши деб ҳисоблаганман. «Насихат» номли шеърим саволингизга жавоб бўлар деб уйлайман.

— Абдулла ака, охири аънавий савол. Меҳр ва мурувват йилида оқном-хонларга ва ёш ижодкорларга тилакларингиз.

— Ёш ижодкорларга тилакларим— улар ҳаётда ўз қадрини билсин. Ўзининг фикри, ўзининг дунёқароши ва ижодиде ўзининг йўли бўлсин. «Тошкент оқшоми» газетаси эса халқимизнинг оғриқ нуқталарига кўпроқ эътибор берсин, унинг муаммолари ечимини топишга тая-сир кўрсата оладиган мақолаларни чоп этсин.

Шаҳло ҲОШИМОВА сўхбатлашди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

НАСИХАТ

Ёшлик ортда қолди,
турдинг оёққа,
Азму ишжонатини унутма, болам.
Насихат ёқмайди энди қулоққа,
Ақлу фаросатини унутма, болам.
Бу дунё аслида алдамчи бозор,
Унда дўстлибоз нокаслар бисёр.
Сеп мардлар қошида мард бўлсин,

зинҳор

Ҳайру саховатини унутма болам.
Баалки дастурхонинг доим мўл бўлмас,
Омад ҳам ҳамisha чарақлаб қуламас.
Ким айтар сунган надаринг ўлмас,
Сабру қаноатини унутма, болам.
Ёвуз кимсалардан айлағил ҳазар,
Уларнинг қалби пуч, тиллари захар.

Ахтара-ахтара дўст топсанг агар,
Меҳру садоқатини унутма, болам.
Оғам деб кимлардир силар бошини,
Укам деб еб кетар биров ошини.
Минг бир тарозига солар тошини,
Мақру адоватини унутма, болам.
Каслар бор, қадрининг гоҳи билмаслар,
Гоҳи билсалар ҳам кўзга илмаслар,
Гарчанд улар сенга парво қилмаслар,
Фазлу диёнатини унутма, болам.
Дину найғамбардан лоф ургайлар гоҳ
Бетавофиқ кимсалар гўмроҳ ва суллоҳ.
Улар Чорёларга қазанлар-ку чоҳ,
Касру касофатини унутма, болам.
Қадамда учрағай азизлар ҳоқи,
Йўлигини ёритгай ақлу идроқи.
Уларнинг руҳлари шод бўлсин, тоқи
Зикру зиёратини унутма, болам.
Турфа синовларга дуч келгай инсон,
Гоҳида шодондир, гоҳида полон.

Чорасиз қолсанг ҳам, лекин
ҳеч қачон,
Адлу адолатини унутма, болам.

ЯШИЛ НОВДА

Расул қабристондан бораркан ўтиб,
Шафқат ва иноят ҳиссин туйдилар.
Бир қабр қошида тиловат этиб,
Сўнг яшил новдани қадаб кўйдилар.
Саҳобалар деди: — Ё Расулдулоҳ,
Бу новда жисмида яширин қай сир?
Расул жавоб қилди: — У энди, валоҳ,
Гўрнинг азобини енгиластайдир.
Чиндан сеҳр билан тўлиқдир олам,
Чиндан ҳар қадамда илоҳий асрор.
Зўр қудрат эмасми ҳаёт ўзи ҳам,
Яшил новдада ҳам унинг кучи бор!

«ИБРАТЛИ КЕЛИН» ЧОРЛАЙДИ

Халқимиз қадимдан қизлар тарбиясига, одоб-ахлоқига алоҳида эътибор берган. Шунингдек, уларни уй юмушларига, меҳнатсеварлик ва чаққон бўлишга ўргатишган. Чунки қиз бола — бўлғуси она, келгусида бир оиланинг соҳибасига айланади. Шунинг учун қизларни ёшлиқидан хунар эгаллашларига кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Негаки, бу хунарлар оилада аёллар учун доимо асқолади.



Албатта келин олиш орзусида юрган қайнона бўлғуси келини аввало тарбияли, оқила, доно, меҳнатсевар, қўли гул пазанда ё чевар бўлишни ният қилади. Бугунги кунда ёшларнинг билим олишлари ёхуд хунар эгаллашлари учун ҳамма шароитлар етарли. Шаҳримиздаги мавжуд ўқув курсларида қизлар ўзлари хоҳлаган хунарларни ўрганишмоқда. Жумладан, Чилонзор туманининг Наққошлик кўчасида жойлашган «Ибрatли келин» ўқув маркази ташкил топганига кўп вақт ўтмаган бўлсада, бу ерга ҳунар эгаллаш ниятида келадиган қизларнинг кети узилмапти.

казини очишга муваффақ бўлди. Беш опа-сингил аҳил ва тотувликда бирлари тикувчиликдан, яна бирлари ҳамширалик ҳамда келувчиларнинг сони ортиб боргани сайин турли хил курслар сонини ҳам кенгайтириб, уларга олиқ маълумотли, тажрибали мутахассислар — ўқитувчиларни жалб қилишди. Ўқув марказига раҳбарлик

лаҳатлар олди. Тадбиркор аёллар билан биргаликда Италияда бўлиб, ўз иш тажрибасини бойитиб қайтди. Бугунги кунда «Ибрatли келин» ўқув марказида ўқув курсларининг сони 15 тага етди. Тикиш-бичиш, қандолатчилик, юкори дизайнли парда тикиш, саргарошлик, каштачилик, ҳамширалик, косметология, инглиз тили сабоқлари ва шу каби бошқа ўқув курслари мунтазам фаолият юритмоқда. Ушбу ўқув курсларини битирувчиларга диплом берилади.



— Мен «Ибрatли келин» ўқув марказида қандолатчилик курсида ўқиб, жуда кўп пишириқлар, турлар пиширишни ўргандим. Энди тикиш-бичиш курсида ўқиб, тикувчилик сирларини ҳам эгалламоқчиман, — дейди Нигора Жўраева. — Ўқув марказидаги ўқитувчилар ўз касбини пухта билидиган, тажрибали мутахассислар. Улардан жуда кўп нарсани ўргандим. Ҳозир дугоналаримни ҳам ушбу ўқув марказида хунар эгаллашларини тавсия қиларман.



Ҳа, халқимизда «Хунарли хор бўлмас», деган ақоиди нақд бежиз айтилмаган. Мана шундай ўқув марказларида таълим олиб, хунар ўрганаётган қизларимиз келгусида албатта ҳамма ҳавас қилгудек оқила, урдуворон, чаққон ибрatли келин, она ва қайнона бўлишларига ишончимиз комил.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Ибрatли келин» ўқув маркази фаолиятидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.



Юртимизнинг кўпгина гўшаларида, жумладан Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона водийсида хозиргача кам бўлсада, аммо соч билан боғлиқ маросимлар сақланиб қолган. Қиз бола 8-10 ёшга тўлган момолари унинг сочларини илк марта 40 та қилиб ўриб, учларига оқ ип билан маҳкам чатиб, ёки жамалак тақиб қўйган ва шу маросимга оид доира ёки дутор билан қўшиқ айтишган ва ўша кунни албатта келган меҳмонлар, қўни-қўшинлар тансим таом ва ширинликлар билан сийланган. Бу ўрилган 40 кокил қиз бола-ни ҳар хил инс-жинслардан сақлайди деб билишган.

Бу ҳақда таниқли шоира Турсунои Содикова ўзининг «Меҳр қолур» номили китобида шундай эслади: «Онама болалигимда кокилларимни 40 та қилиб майдалаб ўриб, учларини оқ ип билан маҳкам чатиб, сўнг қулоч-қулоч ўссин, деб пичирлаб кўярди». Соч бир қатор Осиё мамлакатлари халқларида

Семинарлар

Яқинда Ўзбекистон Миллий университетининг мажлислар залида шаҳримиздаги маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари учун ўқув-семинари хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш, улар ўртасида диний ақидапарастлиқнинг олдини олиш, оилавий ажримларни камайтириш мақсадида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар «Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ва маданий ишларни олиб борувчи уюшма» томонидан ташкил қилинди.

БОЙ ТААССУРОТГА ЭГА БЎЛИШДИ

Бир неча кун давом этган мазкур семинарда шаҳримиздаги 452 та маҳалла хотин-қизлар комиссиялари раислари тўрт гуруҳга бўлиниб, таниқли профессор олимлар, руҳшунослар, ҳуқуқшунос, шифокор ва тадбиркорларнинг ҳозирда хотин-қизлар ўртасида долзарб бўлган бир қатор масалалар юзасида маърузаларини тинглаб, бу мавзулар юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар. Жумладан, анжуман давомида «Оилада она ибрatли», «Аёл ва дин», «Оилада аёл — экологик маданият соҳибаси», «Тадбиркорликни бошлаш учун кредит ва

лизинг хизма дан фойдаланиш», «Оила қонуночилигини биласизми?», «Никоҳга киришга тайёрлик», «Репродуктив саломатлик нима?», «Келин-куёвларнинг тиббий куриқдан ўтишининг аҳамияти», «Тўй-ҳашам ва оила муаммолари» каби масалалар муҳокама қилинди. Семинарда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, доцентлар М.Маматов, Ж.Шермухаммедова, профессор Т.Раҳимова, ҳуқуқшунос Г.Иномжонава, шифокор Д.Хасанова ва бошқалар ўз маърузалари билан қатнашиб, анжуман иштирокчиларини ўзаро баҳс-мунозарага чорладилар.

Маҳалла хотин-қизлар комиссиялари раислари эндиликда мазкур ўқув-семинардан олган билим ва тажрибаларини ўзлари фаолият юритаётган маҳаллаларда кенг тарғиб этадилар.

— Шунинг билан мамнуният билан айтиш керак, ушбу ўқув семинари республикада биринчи бор тажриба сифатида ўтмоқда, — деди биз билан суҳбатда «Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ва маданий ишларни олиб борувчи уюшма» раиси Раҳбар Муртазоева. — Бу ўқув-семинарни ўтказишдан мақсад шундан иборатки, хозирги ўзағрувчан ҳаётимизда, жамиятда бўлаётган ислохотлар янги билим, янги ёндошувни талаб қилляпти. Шунинг учун маҳаллалар Хотин-қизлар комиссиялари раислигига энг илгор, намунали аёллар сайланган. Улар баъзан мураккаб шароитларга тушиб қолишлари мумкин. Шундай пайтларда улар ҳар бир соҳада билимга эга бўлсалар турли хил муаммоларни осон ҳал қилса



бўлади. Шу мақсадда тизил ушбу семинарни ташкил қилиб, унга турли соҳа мутахассисларини жалб этдик.

Анжуман сўнггида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ва маданий ишларни олиб борувчи уюшма» томонидан семинар қатнашчиларига «Хотин-қизлар кўмиталарининг жамиятдаги фаоллигини ошириш» ўқув курси бўйича маълумот бериш мақсадида сертификат топширилди. Ниҳоятда қизиқарили ва таъмулли ўтган анжуман давомида айрим иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларини қороғга туширдик.

УМИДА ДУСТМУҲАМЕДОВА

Хамза туманидаги «Дўстлик» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси: —Семинар йиғилишидан кўпгина сабоқлар олдик. Бундай семинарлар кўплаб ўтказилади. Лекин бугунгиси булакча бўлди. Бу ерда нафақат аёлларнинг оила бошқаруши ёки оиладаги ўрни, бун-

дан ташқари аёлларимизни замонга мослашган ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан ҳам сабоқлар олдик. Бу ўқув семинарда олган фикрларни ўз маҳалламизда аёллар ўртасида тарғиб этасак, бевосита бугунги маърузачиларни тақлиф этасак, ўйлаётганимиз яхши натижаларга эришамиз.

Раҳима СОДИКОВА, Юнусобод туманидаги Шариф Мансурхўжаев номидаги маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси:

—Албатта бугунги семинар қўнғилдагидек ўтди. Менимча аёлларнинг ҳаммаси уни жуда яхши қабул қилишди. Маърузачилар томонидан онанинг буюклиги, ҳаётдаги, фарзандлар тарбиясидаги ўрни ҳақида жуда яхши гаплар айტიлди. Шунингдек, аёлларга тадбиркорлик, кредит, лизинг ҳақида тушунчалар жуда аниқ тушундириб берилди. Яна «Оилада аёл — экологик маданият соҳибаси» мавзуларида айтилган фикрлар кўпчиликка маъқул бўлди. Менимча, ушбу ўқув-семинардан қабулланган мақсадга эришилди. Бу ерда олган сабақларимизни ўйлаётганимизда ўз самарасини кўрсатади.

Гулором ШОКИРОВА СУРАТЛАРДА: ўқув-семинардан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГҮЛАЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Аёлнинг хусни-таровати-га лол бўлиб шеър ёзмаган шоир, ёзувчи, у ҳақида асар битмаган rassom, ҳайкалтарош, санъаткор бўлмаса керак дунёда.

Хиндистон, Бангладеш ва Шри-Ланка давлатларида аёллар ўз жуфти ҳалоллари-га хиёнат қилиб қўйсалар, оломон гувоҳлигида бундай

ҳамиша ўз сочларини армоқлаб келишган. Ҳар бир соч ўрими ўзига хос ва ўзига хос маъно кашф этган.

Таниқли этнограф ва фольклоршунос олим, фан доктори Асқар Мусоқулов бугун Ўзбекистон ва Марка-

Қадриятларимиз

СОЧ ҲАМ ҲУСН

Аёл — гўзаллик тимсоли. У табиатнинг мўъжизаси, у — буюк эрт. Унинг олдига барча тириклик бош эгади. Бу мўъжизанинг ҳали том маъносида таърифи, ўлчови ва баҳоси топилгани йўқ.

Юртимизнинг кўпгина гўшаларида, жумладан Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона водийсида хозиргача кам бўлсада, аммо соч билан боғлиқ маросимлар сақланиб қолган. Қиз бола 8-10 ёшга тўлган момолари унинг сочларини илк марта 40 та қилиб ўриб, учларига оқ ип билан маҳкам чатиб, ёки жамалак тақиб қўйган ва шу маросимга оид доира ёки дутор билан қўшиқ айтишган ва ўша кунни албатта келган меҳмонлар, қўни-қўшинлар тансим таом ва ширинликлар билан сийланган.

Бу ҳақда таниқли шоира Турсунои Содикова ўзининг «Меҳр қолур» номили китобида шундай эслади: «Онама болалигимда кокилларимни 40 та қилиб майдалаб ўриб, учларини оқ ип билан маҳкам чатиб, сўнг қулоч-қулоч ўссин, деб пичирлаб кўярди». Соч бир қатор Осиё мамлакатлари халқларида

зий Осиёнинг жуда кўп киш-лоқларини кезиб, шу ерликларнинг урф-одатларини чуқур ўрганди. У ўз китобларининг бирини шундай деб ёзади: «Ўзбек аёлларида қадимдан сочини кесиш қораланган. Ҳар бир соч ўрими ўзига хос маъно кашф этади». Масалан, ба-лоғатга етмаган қизлар сочларини қирқ кокил қилиб ўришган ва ҳар бир кокил-га жамалак тақишган. Ҳар буюқларини ўришгаётган оналари ҳар бир кокил учун яхши ният қилишган. Қиз боланинг охириги марта кокилларини энг яқин дугоналари ёр-ёр айтишиб ўришган:

Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан, ўланчи қиз ёр-ёр. Қокиллари тиллодан Ёлгончи қиз ёр-ёр.

Аёлларимизда сочларини иккита қилиб ўриш одати ҳам бўлган, бу турмуш қурганликини, жуфти ҳалоли билан кўша қариши, бахтли бўлишини, истақлари доир рўёбга чиқиш тилагини билдирган. Яна бир одат борки, соч-

ни битта қилиб ўриб юриш. Бу бўйи етган, аммо ҳали турмуш кўрмаган қизларга хос бўлган.

Соҳа оро бериш, уни чиройли қилиб бўяш қадимдан маълум. Аёллар қадимдан соч бўяшда ўсимликлар ва хиналардан фойдаланишган. Аммо хозирда қизларимиз, аёлларимиз табиат ато этган гўзал сочларини ҳар хил кимёвий бўёқларга бўяб ўз хуснига ярашмаган одатларини қилишган. Бу буюқларни қилишганда кишининг гашига тегади. Тим қора сочларини аллақандай ола-була, турфа хил рангга бўяб юришгаётганига ачинасан. Биз ўзбеклар азал-азалдан маънавияти буюк халқ бўлиб келганмиз. Бизнинг урф-одатларимиз, кийиниш, маданиятимиз, ахлоқ-одобимиз бунинг ҳаммаси маънавий-тимизнинг қандай шакллани-ганлигидан далолат беради. Бу юксак маънавият асрлар давомида сайқалланиб келди. Бугунги кунга келиб ёшларимизнинг юриш-туриши, кийиниши ва ўзини кўпчилик орасида тутат олмаслиги, гарб маданиятига кўр-кўрона тақлид қилиши жуда хунук кўринмоқда.

Биз жондан ардоқлаган лобар, дунёда тенги йўқ аёлларимизни, қизларимизни бу билан танқид қилмоқчи эмасмиз ва бундан йироқмиз ҳам. Истагимиз шуки, ҳар бир аёл ва қиз ўзига зеб бераётганда ҳақиқатдан ҳам қилаётган иши ўзига ярашармикин?, деб ўз-ўзига савол берса, ўзлигини, кимлигини унутмасан, аини мудоао бўлур эди.

Аёллар ҳисси

СИЗ ЖУДА ГҲЗАЛСИЗ...

Азиз аёллар, ҳеч қачон тушунликка тушман. Тушунлик гўзалликнинг апаидли душманидир. Инсон ўзига нисбатан қониқиб ҳосил қилмаса, ўзгаларда алами бўлса, асабийлашади, бу ҳолатларнинг барчаси юзиде ифода бўлади ва чиройимизнинг охириги томчисини ҳам беаёв янчиб ташлайди. Унутмангки, ҳеч қачон бирон-бир хатони тўғрилаш учун кеч бўлмайдил. Қандай шароитга тушиб қолишнингиздан қатъи назар, хушчақчақ япанга урининг, ҳаётга ишонч кўзларни билан қарасангиз, у албатта сизга аталган совғасини беради.

ЯХШИ ДАМ — ИНСОНГА ҲАМДАМ

Ҳаётнинг бор завқидан роҳат олиб яшанг. Табиат кўйини-да дам олинг, агар бунга им-кониятнингиз бўлмаса, мусиқа эшитинг. Яхши кўрган машғу-

лотингиз билан шуғулланг. Доимо иш билан банд бўлади-нгл ўзининг атиги 1 соат-аттинасини яхши дам олишга сарфласа янада яхшироқ бўлади. Китоб ўқинг, ванна қабул қилинг ёки ухланг, энг яхшиси кўзингизни ювиб энг ёрқин ҳаёлларга берилинг.

БАРДАМ БЎЛИНГ, ҲАЛИ ЁШСИЗ

Ёшлар билан кўпроқ суҳбат-дош бўлинг. Қалбингизнинг кексаёшига йўл қўймасангиз у сизга гўзаллик ва латофат бахш этади. Болаларнингизнинг кувноқ даврасига қўшилинг. Улар билан кеча ва бугун қан-дай ўтганлиги, гаройиб ҳодиса-лар ҳақида, ҳаётнинг гўзаллиги тўғрисида суҳбатлашинг. Болалигинингизнинг бегубор онларини эсланг.

ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ЁРУФ

Ойлангизда келишмовчилик юз бердими? Асабингиз бузил-да дам олинг, агар бунга им-кониятнингиз бўлмаса, мусиқа эшитинг. Яхши кўрган машғу-

лоти билан шуғулланг. Доимо иш билан банд бўлади-нгл ўзининг атиги 1 соат-аттинасини яхши дам олишга сарфласа янада яхшироқ бўлади. Китоб ўқинг, ванна қабул қилинг ёки ухланг, энг яхшиси кўзингизни ювиб энг ёрқин ҳаёлларга берилинг.

ЎЗИНГИЗГА ИШОНИНГ

Ўзингизга, гўзаллигингизга ишониб яшанг. Сиз жуда лобарсиз. Уйингизда сизни севи-шади, ишонгангизда ҳурмат қилишади. Интилингиз, талантингиз, асосийси қизиқи-шингиз ва интилингиз бор. Янглик яратиб қилингиз. Ўзингиз ҳоҳламайдиган ишта ҳам ғайрат билан кўл уринг. Саҳий ва оққунгли бўлинг, тур-ли миш-миш ва ғийбатлардан ўзингизни олиб қочинг. Сиз борлигиндан куч, ғайрат, ақл ва дилобарлик таратиб турадиган аёлсиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА тайёрлади.

Диккайт, ағалик!

ОИЛА МАРАФОНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Маълумки, 15 май — Оила кун ҳисобланади. Шу муносабат билан хайрли ниятларни қўлаган ҳолда шаҳримиз турманларида «Оила марафони» номили оилавий спорт мусобақалари ўтказилади.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, саломат-ликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилаётган ана шундай илк оила марафони шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Акмал Икромов ту-ман ҳокимлиги ташаббуси билан Агро-тижорат касб-хунар коллежиде бўлиб ўтди. Дастлаб «Оила марафони»да иштирок этиш учун келган тумандаги 23 та маҳаллаларнинг жисмоний тарбия ва спортга ошно оилаларини туман ҳокими ўринбосари А.Ғисёева, коллеж директори А.Нази-ровлар қизин қўлаб, ғалаба сари руҳландиришди. Оилавий жамоалар мусулсларнинг қўлаб-қувват-лашлари остида югуриш, сақраш, арқон тортиш каби олти хил йўналиш бўйича эпчилу чаққонлиқларини

намоиш этишди. Энг яхши натижалар кўрсатган оила-ларга дипломлар, эсалик совғалари топширилди. Шаҳар Агро-тижорат касб-хунар коллежи талаба-лари ва «Маънавият ва маърифат» маркази Акмал Икромов туман бўлими қошидаги бадиий ансамбл-ларнинг мусиқий чикчилари тадбирга ўзига хос файз-тароват бахш этди. 15 майга қадар «Кувноқ стартлар», оилавий эста-фета, энгил атлетика, бадминтон, арқон тортиш, югу-риш, стол теннис каби қизиқарли мусобақаларнинг ўз-ичига олган «Оила марафони» оилавий спорт ўйин-лари шаҳримизнинг бошқа барча туманларида ҳам бўлиб ўтади. (Ўз муҳбиримиз)

БЕКАЛАРГА МАСЛАҲАТ

• Қовурилган ёғ қолдиғини яна ишлатиш учун ёғни тидириб, унга бир неча томчи лимон шарбати томи-зи керак.
• Ёғ ҳамда майдан таҳир таъмин йўқотиш учун унга туғралган пивз, бир бурда нон ёки картошка қўшиб қиздирилади.
• Сариеғ эритилаётганда қорайиб кетмаслиги учун қизган товага ўсимлик мойи суртиш керак.

• Сметанга озгина сут қўшилса, шўрва, қайла каби овқатларга ишлатганда чириб кетмайди.
• Сузма ва пишпонди янглиғича сақлаш учун нама-кобга ҳўлланган латтага ўраб қўйиш мумкин.
• Каструлга бир дона оқ қанд солиб сут қайнатишса, тагга олмайди.
• Агар тухум гўноғини майдаласангиз, оғзи ингичка бўлган идишларни яраклатиб тозалашингиз мумкин.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

● Хикоят: Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Унинг икки хил овқатни бир вақтининг ўзида еб ўтирганини кўрди. Унга:

— Икки овқатни аралаштириб ема, улар қорнингда келишолмай жанг пайдо қилади, — деди.

У эса доно табибнинг сўзларига қулоқ солмай ёйишда давом этди. Бироқ эртасига у касал бўлиб, оз фурсатда ҳолдан тойдди. Ноилжликдан бир кун аввал насиҳатига қулоқ солмаган табибга одам юборишга мажбур бўлди. Табиб келиб унга:

— Айтмаганимдими, бу икки овқатни ема, улар келишолмайди деб, — дея унга таъна қилди.

У деди:

— Йўқ, сенинг гапинг бироз нотўғри, улар келишиб олишиди, мени оёқдан кулатиш мақсадида иш олиб боришмоқда, деб алам билан жавоб берди.

● Ошикдан сўрадилар:

— Дунёда ошиқ учун энг оғир укубат нима?

У жавоб берди:

— Узоқ муддатли умиддан кейинги ноумидлик!

● Ақли одамнинг ўзини мақташдан кўра ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сўзлари рост бўлса, мақтанган бўлади, бордию бунинг акси бўлиб ёлғон бўлса, барчанинг олдига қадри кетади.

● Билгинки, нодонлик ўргатилмаган ҳайвонга ўхшайди. Кимки унга биланг, билмай минса у албатта хор қилади. Кимки унга яқинлашса тўғри йўлдан оздирари.

● Ҳамма вақт ҳам ишга киришиш уйланиб ўтиргандан яхши. Фафлатда қолиш эса кучли душмандан ҳам баттарроқдир!

● Мард билан улфат бўлган мардликка етади, номардга яқин юрган киши ғамдан чиқмайди.

● Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.

● Инсон кўлга киритган ўлжаларидан энг хайрлиси — самимий дўстдир.

● Дўст ўз дўстини зиёрат қилиши кўп иллатларга даводир.

● Ҳамма ватандошларнинг бир-бирлари билан дўстона муносабатлари ватанинг тараққиётига сабабчи бўлади.

● Уч нарса дўстликни мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий сўхбатлашишлари ва биргалишиб сайру саёхат қилишлари.

● Байналмилал тарбия миллатлар орасига дўстлик уруғини сочади, ватандошларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатларини оширади.

● Икки дўстнинг аҳд-паймонда, меҳру вафода барқарор бўлишлари самимий дўстлик нишонасидир.

● Алишер Навоий айтди: **Айласалар икки тарафдин вафо, Етгай алар холига анча сафо.**

● Сукрот ҳаким айтди:

— Дўстинга йўлиққан вақтингда қулиб, очик юз билан кўриш, яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстликнинг бошланиши — мадҳ-сано биландир.

Бу айёмда ўз-ўзидан шеърхонлик бошланиб, охири қизгин мушоирага айланиб кетарди. Афесуски, у кунлар эндиликда тарих саҳифасига ўтган... Нега дунё бунчалар бевафо бўлмаса — эндиликда шоира орамизда йўқлар. Қани энди, бутун умрини гўзалликка, эл хизматига бахшида этган Зулфия опадек иқтидорли, бетакрор, тароватли зотлар юз йиллар умр кўрса эди... Қани энди... Лекин инсон бошига Аллоҳ таоло ёки бандалари туфайли тушган кўргуликлар ҳар қандай метин умрни ҳам қийиши тайин экан... Айни шу дақиқада Зулфия опа ҳеч қачон, ҳеч кимга оғиз очмаган — неча-неча йиллар бадалда унинг бошига тушган кўргуликлар ёлғон бўлмаган эди... Уларни ифодалаб қоғозга туширишга қалам ожиз.

Орадан анча йиллар ўтиб маълум бўлишича, шоир Ҳамид Олимжон билан ҳаёт қуриб, «Яйратганда хушбахт яйраб» — шеър битиб, фарзандлар тарбиясида хушбахт юрган кезларида шоиранинг бошига бирин-кетин кулфат ёнган экан. Чунончи, эл-юрт бошига қирғин-барот олиб келган 1937-1938 йилларда шоиранинг Хоразм вилоятинда масъул вазифада хизмат қилган акиси Нормат Исроилов «халқ душмани» деган айбга тақалиб отиб юборилган экан. Тошкентнинг ўқчи даҳасида истиқомат қилган Исроил ота, Ҳалида ая, уларнинг қатор ўғиллари ва қизлари бошларига тушган бу савдога жуда қаттиқ куйганлар.

Бу мусибат камлик қилгандай орадан беш йил ўтиб, шоира бошига яна қора кун тушган: унинг суякли ёри Ҳамид Олимжон 1943 йил 3 августда автомобиль ҳалокатида фожиали равишда ҳаётдан кўз юмган. Икки фарзанд: Хулқар ва Омон падали бузрукворларидан ажралиб етим қолганлар, шоиранинг тим қора кокиллари бир кечада оқариб кетган.

Мен у чоғларда шоира Зулфияни орқаворотдан танирдим. Унинг шоир фожиясига доир шеърини ўқиб, дардига шерик бўлиб куйинардим. Мана ўша шеър:

**Сени бирдан жонсиз кўрдим,
Жоним чиқди менинг-да.
Эс-хўшимдан ажраб турдим,
Туйғум кетди сенинг-ла.
Кошки эди мен бошингда,
Турган бўлсам ўша дам,
Кирсам эдим мен қонингга,
Берсам эдим жонни ҳам.**

Айни ўша чоғларда Зулфия яна бир шеърда:

**Бахтиёр севгини куйларди созим,
Ўлим ҳанжарига тегди-ю, сивдим,
Ҳижрон фарёдай совуқ овозим,
Наҳот лириканинг ёлқини тиндим,
— дея нола чеккан эди. Унинг бу сатрлари қалбга ўт-олов пурқайди.**

Яна бир шеърда у:

**Кўз очгани кўймайди алам,
Бошим кўйсам куйдирар болиш.
Ўнатмайди китоб ва қалам,
Мисраларим кўтарар болиш...**

— дея фарёд солган эди. Назимда шоиранинг мухлислари у билан бирга мен каби куйган, қовурилган эди ўшанда.

Бу шеърларни шу тоғда яна ўқирканман шоир Ҳамид Олимжонни умримда бор-йўғи бир бор кўрган-имни эсламан ва унга унсиз аза тутаман.

Хотира қайғонса гўзалдир

Бу воқеа 1942 йил май ойларида бўлиб ўтган эди. II жаҳон урушининг мураккаб давлари. Ўша чоғларда расом бўлиб етишган акам Аҳмаджон Аҳрор 1930 йилда беадрак йўқолган отам — ёзувчи, журналист ва дипломат Саид Аҳрорийнинг араб ёзувидаги шеърларини онам Вазираҳон ёрдамида кирил ҳарфига кўчириб, бир белбоққа тугиб куйгандилар. Шу тугунни қўлимга тутқаздилар-да, дедилар:

— Бу ишни ўзим охирига етказмоқчи эдим. Насиб этмайдиган кўринади. Эртас-индин кетиб қолади-

ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИ

Севимли шоирамиз Зулфияхонимнинг таваллуд айёмида биз «Саодат» журнали таҳририяти ижодкорлари ҳамisha журналимиз бош муҳаррирининг файзли ва қутлуғ хонадонидида оппоқ дастурхон атрофида ҳозир у нозир бўлганмиз.

Ун бешга чиқдинг, катта қиз бўлиб қолдинг. Шу ишни энди сен охирига етказасан — Ёзувчилар уюшмасига олиб бориб раисга топширасан. Дадамик кўлэмалари сочилиб йўқ бўлиб кетмасин, — дедилар. Шу тугунчани кўтарганча 1-май кўчаси қайдасан деб Халрадан пийса йўлга тушдим ва излаб топдим.

Уюшма раиси хонасида оппоқ каламинка костюми ўзига ярашган, лабидида ним табассум ва кўзлари порлаб турган ўктам кимса кўлимдаги тугунни олиб очиб, шеърларни диққат билан ўқидилар.

— Яхши шеърлар, — дедилар ўйчан. Кўлэмаларга тикилганча бир муддат ўйланиб тургандан кейин дедилар. — Лекин афсус, уларни ҳозир чоп эттира олмаймиз — уруш кетяпти. Шу тариқа кўлэмаларни қайта белбоққа тугдлар. — Буларни уйингизга олиб бориб, эҳтиётлаб сақлаб қўйинг сингил. Уруш тугагандан сўнг яна учрашамиз. Унгача авайлаб — асранг, — дедилар-да, тугунчани менга узатдилар. Ўшандан бери неча йиллар ўтди, акам Ленинград фронтда ҳалок бўлдилар, уруш ҳам тугади. Менга шоир билан яна учрашиш насиб этмади. Аммо мен ҳар вақт, «яхши ҳам Ҳамид оға отам шеърларини донолик билан кўлимга қайтариб берган эканлар», деб ўйлайман миннатдорлик билан. Зеро мустақилликка эришганимиздан сўнг, Шўролар даврида қатлиомга дучор бўлган отамнинг 1931 йилда отиб юборилганларини аниқладим ва 2001 йилда Саид Аҳрорийнинг «Танланган асарлар»ини нашр эттиришга муваффақ бўлдим. Шоира Зулфияга эса Ўзбек Давлат нашриётида муҳаррир бўлиб, хизмат қилган вақтларида — 1948 йилда дуч келдим ва мен ўша нашриёт наср бўлимида муҳаррирлик қила бошладим.

1925 йилдан республикада чиқиб, уруш туфайли тўхтаб қолган «Ёрқин ҳаёт» журнали 1950 йилдан бошлаб «Ўзбекистон хотин-қизлари» номида қайта чоп этила бошлади. Ёзувчи Ойдин Собирова бош муҳаррирлик қилган таҳририятга Зулфия опам билан мени нашриётдан ишга йўлладилар. Шоира Зулфия Исроилова редакциянинг адабиёт ва санъат бўлими бошлиғи, камина адабий ходим сифатида фаолият олиб бордик.

Менинг назимда шу йиллар мобайнида шоира ҳаётни янги бир руҳ билан қабул қила бошлади ва шеърлари янгича жанрлар касб этди. Аслида бу янгиликлар — ёрқин ҳаёт мавзуларига қайтиш 1945 йл-

дан бошланган эди. «Юрагимга яқин кишилар», «Нур», «Ўрик гуллаганда», шеърларини ўзига жо этган «Ҳаёт жилоси» ва «Шалола» каби тўпламлар китобхонга тақдим этилди. Мунаққидлар эндиликда шоирани «Тонг куйчиси» дея тан олгандилар. Зеро шоира ортиқ яққаланиб, ўзини бир четга тортмасди. Ойбек, Фафур Фулом, Миртемир, Абдулла Қаҳҳорлар даврасида ижод этарди.

1953 йилдан бошлаб Зулфия Исроилова «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналида муҳаррир сифатида фаолият олиб борди. Шоира муҳаррирлик қилган таҳририятга Респуб-

ликамизнинг турли бурчакларидан ширанинг ихлосмандлари унга шеърларини йўллай бошладилар. Ёш шоиралар-

ни қўллаб-қувватлаш ниятида муҳаррирининг тақлифи билан журналда махсус «Қизлар дафтаридан» саҳифаси очилди. Бу ҳол республика-мизнинг турли вилоятларида ижод қилган қизларга ижодларини таниқли шоира Зулфия назаридан ўтказиш имкониятини берди. Шу тариқа ёш шоирлар ижод маҳсули адабиёт-шунослар эътиборини тортиди. Айни шу йўсин йиллар давомида неча-неча ёш шоирлар Зулфия мадади билан камол топди ва бора-бора бу Зулфия қизлари таниқли шоиралар бўлиб камол топди. Эндиликда улар республика-мизнинг турли вилоятларида газета ва журналларга муҳаррирлик қилаётдилар.

Халқимизда «Зар қадрини заргар билади» деган нақд бор. Мустақилликка эришганимиздан сўнг шоира Зулфиянинг адабиёт раънақи йўлида йиллар давомида олиб борган самарали меҳнатлари муносиб тақдирланиб, 2001 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Юртбошимиз Фармонига кўра, беш йилдириқ ҳар йили 25 ёшгача бўлган 12 нафар ижодкор қизлар Зулфия мукофоти совриндори бўлаётдилар.

Шоира Зулфиянинг ижодида адабиёт оламида ёшу қари юксак баҳо берган. Ўзбекистон халқ шоири Ёркин Воҳидов ифодаси билан айтди-ган бўлсак: «Зулфия сингари сиймолар халқнинг баҳти бўлиб ярадилар. Бу бахт аввало ўзбекники, сўнгра дунёники». Ҳа, ана шундай эл суйган шоира бўлган Зулфияхоним. Буни шоиранинг ўзи ҳам бир сатрида тан олганлар:

«Бахтим шулки, Ўзбекининг Зулфиясиман».

Зулфия шеърятини неча-неча йиллар мобайнида меҳр ва ҳайрат билан кузатган элимизнинг суякли шоири Миртемир оға ҳам унинг шеърятининг асл баҳосини берганлар:

«Камтар, ўта заҳматкаш, билим уфқи кенг, гоъвий метин, деимо дили тошқин, оламни тимсоллар — образлар силсиласи кўзгусида тасаввур этишга қодир етук ва асл шоира. Шеърятимизнинг ҳам, маданиятимизнинг ҳам, юртимизнинг ҳам ифтихориндир!».

Қанчалар топиб, сиқик бир жумлада Миртемиронга лутф билан шоиранинг ким бўлгани айтилган. Ҳа, Зулфияхоним айнан шундай бўлганлар. Хотирамизда, қалбимизда айнан шундай қолганлар.

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Билиб кўйган яхши**НОВДАДАН САВАТ ТЎҚИШ**

Хонадонингизда сават бўлса олма, ўрик, олхўри каби ҳўл меваларни териб олиш, шунингдек қуритилган меваларни сақлашда жуда асқотади.

Новдадан сават тўқиш унчалик қийин эмас. Сават ясаш учун толнинг узун новдаларидан бир хил кесилади, бир-бирига қўндалангига юлдуз қилиб устма-уст қўйилади ва боғланади. Сўнг ўртасидан бошлаб саватнинг таги ҳосил қилинади. Саватнинг таги тайёр бўлгач кенай (спица)лар юқорига букилади ва тўқиш яна давом эттирилади. Новданинг учи узунасига қирқилиб, тўқима орасига биллентирмай букиб киритилади. Саватнинг бандини хоҳлаганча новдадан ёки пўстлоқдан ясаш мумкин.

Тол новдалари кўп ишлатилган сабабли ундан фойдаланиш ва сақлаш чораларини билиш керак. Кузда ва қишда тайёрланган новдалар тўқиш учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Чунки бу даврда дарахт мустаҳкам ва эгилувчан бўлади. Бир йиллик новдаларни тағдидан қия қилиб ўткир пичоқ билан кесиш керак. Қирқилган новдалар пўсти шилинмаган ҳолда бог-боғ қилиб боғлаб қўйилади. Новдаларнинг пўстини шилиш учун уни сўний равишда жонланттирилади. Шу мақсадда уни 2-3 hafta сувга солиб қўйилади. Сўнг пўстлоқ осонликча шилинади. Новдалар ҳавода қуритилади, вақти-вақти билан алмаштирилиб турилади.

Тўқишдан олдин новда эгилувчан бўлиши учун маълум вақтга сувга ботириб қўйилади. Сўнг 8-10 соат давомида намловчи сифатида полиэтилен қоп ичига солинади. Иш туғача, ортиб қолган новдалар қуритиб олинади, акс ҳолда улар қорайиб кетади.

АРРАНИ ЧАРХЛАШ

Мевали дарахтлар экилган томорқаларда энг кўп ишлатиладиган асқоблардан бири аррадир. Арра билан ишлаш уни яхшилаб чархлаш, чапараста қилиш ва билиб ишлатишга боғлиқ. Бу асқобнинг тишларини чапарастасини чиқариш ва чархлаш учун тажрибага эга бўлиш керак.

Аррани чапараста қилиш ва чархлаш учун унинг қирқадиган қисмини эғовлаганда вибрация бермайдиган қилиб қисқичда яхшилаб қисиб маҳкамланади. Шундан кейин уч бурчакли ёки ромбли майда эғовда, ўзидан нарига ишқаб юргизилади, қайтишида эса тегишмайди. Чархланган тишлар бир хил текис ва тартибли кўринади.

Агар махсус асқобкерги (разводка) бўлмаса, оддий ясси омбирда тишларини бўлса ҳам бўлаверади. Тишнинг ҳаммасини эмас, балки юқоридан учдан бир қисмини бўлиш лозим. Куруқ ва қаттиқ дарахтлардан кўра юмшоқ ёғочни арралаш учун арра чапарастаси кўпроқ бўлиши керак.

**Танловлар****ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МАДҲИ**

Мана неча йилдирки, «Ўзбекистон қўшиқ байрами» юртимизда кенг нишонланиб келмоқда.

Яқинда Акмал Икромов туманидаги Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйида Республикамиз Мустақиллигининг ўн уч йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг туман босқичи ўтказилди. Кечада тумандаги 229, 107, 312, 4, 109, 193, 81, 106, 129, 78, 194, 228, 74, 297, 189-сонли мактабларнинг ўқувчилари дилрабо куй ва қўшиқлари, дилбар рақслари билан иштирок этдилар. Тадбирда асосан она-Ватан, тинчлик, муқаддас замин, Наврўз, меҳр ва муҳаббат васфи тараннум этилди.


Қўшиқларда Ватан маъноси, Қўшиқларда халқим садоси, Ватан куйин янгратас диллар Янграр-унинг еру самоси.

Қўшиқ-қалбим, чаманим маним, Қўшиқ-фаҳрим, жон-танним маним Диёр бўйлаб янграр бир қўшиқ Ўзбекистон — Ватаним маним!

Танлов ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишларини баҳолаб боришди.

— «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловини ўтказишдан мақсад, — дейди туман маданият бўлими мудири Илҳом Турсунбоев, — Ватанимиз, она тупроғимиз мадҳини тараннум этиш, шу йўналишдаги қўшиқларни янада кўпайтириш ва шу йўсинда истеъдодли ёшларни саралаб танлаб олишдир.

Қўшиқ байрами танлови жуда



сермазун ва чиройли ўтди. Биз санъат йўлида ўз қадамини дадил кўяётган ёшларга омад тилаб қоламиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг Акмал Икромов туман босқичидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

**Ақройиботлар**

Ҳа, ажабланманг. Абхазликлар қўлга туширган ёввойи аёлнинг исми — Зана. У Счамчир райони Тхин овулида яшаган. У қақда кўрган - билганларини ёзиб, хотиралар айтган кишилар Ламшавц Сотека (105 ёшда), унинг сингиси Дигво Сабекиа (80 дан ошган), Нестор Сабекиа (120 ёшлар чамасида), Куона Кукуная (120 ёшларда), Алекса Увижба (130 ёшда), Шамба (100 ёшда).

ЗАНАНИНГ ТАҚДИРИ

Зана фавкулудда қўлга тушмаган, юраги тоғдек зийрак йигитлар уни пайт пойлаб юриб, ўзларигина биладиган ҳийланайранг билан ушлаганлар. Қаршилиқ билдирган аёлнинг оғзига кигиз тиқиб, оёғига йўғон гўла боғлашган.

Занани Заадан ўрмонларининг хожаси, князь Д.М.Ачбага сотишгани ажабланарли эмас. Кейинчалик князь ёввойи асирани ўзининг хизматкори Х.Челокуга беради. У эса уйига меҳмон бўлиб келган зодагон дўсти Эрж Генобага совға қилади. Шундай қилиб оёқ-қўли кишанланган ёввойи аёл Сухумидан 78 километр олинсада жойлашган Тхин овулига келтирилади.

Дастлаб Занани ўта мустаҳкам қурилган баланд ёғочлардан турғазилган ҳовлида сақлашади. Аёлнинг асов қилиқларидан сесканган қузатувчи овқатни махсус ишланган тешиқдан узатиб турган. Зана ердан ўра қазиб, шунинг ичиде ухлайди. Бирок аста-секин хожасига ўрганиб, ўрадан чиқиб овқатни ўзи олишга одатланиди. Кейин хожаси уни уйи ёнидаги тепаси ёпилган панжарали даҳлизга кўчириб, у ерда ҳам оёқ-қўлини боғлаб боқади. Бир неча кундан кейингина эркин юришга ўргатади. Ёввойи аёлни қўришга келган овулдагиларнинг панжара ташқарисидан тегажоллик қилишидан аччиқланган Зана баъзан уларнинг таёғини тортиб оладиган бўлган. Уй хайвонлари ва болаларни ўзига яқинлаштирмай, уларга тош, таёқ улоқтиради.

Ёввойи аёлнинг бошидан оёғигача, айниқса белидан пастини қора, сарғиш тўқ босғанди. Тасмадай қаттиқ, отнинг елидек қора сочлари узун, белигача тушган Зана овоз чиқариб гапирмасди. Одамлар билан ёнма-ён яшаган ўн йиллар давомида бирон бир

абхазча сўз ўргана олмаган. Жаҳли чиққанда тушуниб бўлмайдиган алланамаларни айтиб бақирарди. Бирок, унинг эшитиш қобилияти жуда яхши эди. Хожаси исмини айтиб чақирса келиб, унинг буйруқларини бажарган. Бўйи баланд, яғриндор, оёқ-қўллари, тизза бўғинлари кўзга хунуқроқ кўринадиган Зананинг қўл панжалари ҳам бошқаларникига нисбатан узун, йўғон эди. Аҳён-аҳёнда оппоқ тишларини кўрсатиб, қутилмаганда қулиб кўярди.

Аввал Ачбанинг, ундан сўнг Гепабанинг қарамоғида умр кечирган Зана ҳаётининг сўнги дамигача кексалик қисматини тортган эмас. Бел оғриги, қулоқ эшитмаслиги, тиш тушиши, соч оқариши каби белгилар бўлмаган. Югурганда от ҳам етолмаган. Тоғдан ҳайқириб тушаётган дарёдан кийналмасдан сузиб ўта оларди. Қаҳратон қишда дарёда ҳам, шу кунгача ўз номи билан аталадиган булоқда ҳам роҳатланиб чўмилар, бирок шамоллаш нима билмас эди. Тегирмонга беш пудлик қопни бир қўлда кўтариб олиб борарди. Айиқ каби кўполлигига қарамай, мевасини олиб ейиш учун баланд дарахт устига енгил кўтариларди. Аёллар ундан қаттиқ кўрқиб, кайфияти яхши пайтидагина унга яқинлаша олишган.

Кизиги шундаки, Зана овулда яшайдиган кишилардан бир неча марта фарзанд кўрган. Катта ўғлининг исми Жанда, биринчи қизининг исми — Коджа. Иккинчи қизи — Гамася, кенжа ўғли — Квит. Ўғил-қизлар бўйчан, кучли, ақл идрокли бўлиб етишиб, Хвит 65-70 ёшлар чамасида вафот этган.

Ёввойи аёл Зананинг тақдирини қисқача ана шундай. У оламдан ўтгач Гепаба авлоди қўйилган қабристонга, ҳурмат билан сўнги йўлга қузатганлар.

Анжуманлар**ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА БАҒИШЛАНДИ**

Кунни кеча Тошкент Давлат юридик институтида «Ёшларни оила қуришга тайёрлаш» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.

— Ёшларни оила қуришга тайёрлаш, — деди жумладан анжуманни очар экан институтининг «Маънавият ва маърифат ишлари» бўйича проректори Даврон Аҳмедов, — биз устозларнинг бурчидир. Ҳар томонлама комилликка интилган, соғлом, маънавияти тўқ авлод эса эртамизнинг нури кунни, юрт равнақи, оиланинг мустаҳкам кўргонидир.

Анжуманда Юнусобод туман ҳокими ўринбосари Я.Ражабова, туман ФХДБ бўлими бошлиғи У.Қодирова ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб инсоният тарихида «XX аср ўлати» деб ном олган ОИТС (СПИД) муаммосини ҳал қилиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Тадбирда Вазирилар Маҳкамасининг «Никохла-нуччи шахсларни кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан бўлғуси келин-куёвларнинг тиббий кўриқдан ўтиши мажбурий қилиб белгиланганлиги сабаблари ҳам айтиб ўтилди. Бу эса соғлом ота-ондан соғлом фарзанд дунёга келишида муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек, анжуманда институтининг барча талабалари фаол қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Талабалар ўртасида бундай анжуманларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши эса нафақат хозирда, балки келажақда ҳам катта аҳамият касб этади.

Кундузой РОЗИМОВА,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси.

Спорт

ТАТАМИДА — ЁШ ДЗЮДОЧИЛАР

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси шаҳар дзюдо федерацияси билан ҳамкорликда 1989-1990 йилларда тугилган ўсмирлар ўртасида уч кун давомида дзюдо бўйича шаҳар биринчилиги мусобақаларини ўтказди.

Мусобақа «Динамо» спорт мажмуасининг шаҳар ИИБга қарашли тайёрлов залида бўлиб ўтди. Унда «Динамо», МХСК, «Ёшлик», «Трактор» спорт клублари, 11-БУСМ, Тошкент Давлат иқтисодий университети ва олимпия заҳиралари коллежидан жами 160 та курашчи қатнашди.


Гуруҳдаги баҳсларда «Динамо» клуби биринчи, «Ёшлик» иккинчи, «Трактор» учинчи ўринни эгаллади. Яқка тартибдаги беллашуларда эса фолиблар сафини куйидаги спортчилар бошқарди: 35 килограммгача бўлган вазнда М.Мўминхўжаев («Ёшлик») фолиб чиқди. 38 килограммгача вазнда Р.Каримов («Динамо»), 41 килограммгача вазнда А.Курбонов («Ёшлик»), 45 килограммгача вазнда С.Азимов («Ёшлик»)га тенг келадиганлар топилмади. 50 килограммгача вазн тоифасида А.Назаров («Ёшлик»), 55 килограммгача вазнда Д.Ҳамитов («Динамо»), 60 килограммгача вазнда А.Кураминин («МХСК»), 66 килограммгача дзюдочилар баҳсида Б.Бойтўраев («Динамо»), 73 килограммгача вазнда Ф.Дадахўжаев («Динамо»), 73 килограммдан юқори вазнда эса Ш.Гуляков («МХСК») турнир фолиблари бўлишди.

Фолибларга шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси томонидан Фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундан ташқари, шу йилнинг 8-9 май кунлари шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда шаҳар дзюдо федерацияси бир қанча ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда Хотира ва Қадрлаш кун муносабати билан «Динамо» спорт мажмуасида 1991-1992 йилларда тугилган ўсмирлар ўртасида шаҳар турнирини ўтказди.

Унда Тошкент шаҳрида жойлашган спорт клублари, БУСМлар ва ўқув муассасаларидан спортчилар ўрта вазн тоифасида кураш олиб бордилар. Фолибларга шаҳар спорт кўмитаси ва ҳомий ташкилотлар томонидан кўйилган қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрликлар топширилиши кўзда тутилган.

(Ўз мухбиримиз)



Болалар спорти

ТАНЛОВ БОСҚИЧИНИ ЎТАДИ

Шу йилнинг 29 апрелидан 1 майгача пойтахтнинг Марказий ҳарбий спорт мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида у-шу бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада республикамизнинг турли вилоятларидан 200 нафардан ошиқ спортчилар иштирок этди.

Турнир якунига кўра пойтахтнинг МХСК жамоаси 18 та медаль билан биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин эса ГЮРЗА жамоасига насиб этди. Кейинги ўринни «Олимпия» ҳамда «Шахрисабз» жамоалари кўлга киритди.

Маълумки, 2008 йилда

бўлиб ўтайдиган олимпия ўйинларида шарқ яққакураши — у-шу бўйича ҳам мусобақалар ўтади. Аини турнир эса ўзига хос танлов босқичини ўтайди.

СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким-ошиди савдоси ўтказилади.

2004 йил 7 май кунини куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошиди савдоси ўтказилади:

1. «Мазда-Кседос» автомобили, 1995 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси О 70-77 У, бошланғич нархи 4 000 000 сўм;
2. «Маз-5551» юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 047, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
3. «Камаз-55111» юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 368, бошланғич нархи 450 000 сўм, техник носоз;

2004 йил 20 май кунини куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошиди савдоси ўтказилади:

4. «Мерседес-Бенц 200» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 750 000 сўм, техник носоз;
5. «Ниссан Максима» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 UZ 831, бошланғич нархи 750 000 сўм, техник носоз;

2004 йил 8 июнь кунини куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошиди савдоси ўтказилади:

1. «Зил-431410» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 80-42 ТШ, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
2. «Зил-431410» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 80-45 ТШ, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
3. «Зил-431410» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 80-53 ТШ, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;

4. «Зил-431410» 80-54 юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
5. «Камаз-5320» юк автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АС 604, бошланғич нархи 850 000 сўм, техник носоз;
6. «Зил-431416» юк автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АС 617, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз.

Ким ошиди савдолари соат 11-00да бошланади, савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошиди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтайтилади.

Ким ошиди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38

«Батькивщина» украин маданият марказининг республикамизда ташкил этилганига ўн йил тўлди. Ўз атрофида бир мингдан ортиқ фаол аъзоларни бирлаштирган бу даргоҳ украин ва ўзбек маданий алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида фаоллик кўрсатмоқда.

Мадбирлар

«БАТЬКИВШИНА» СОВФАЛАРИ

Амалга оширилаётган маданий тадбирлар ўқувчи-ёшлар орасида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Тошкентдаги Мехрибонлик уйлари учун ташкил этилган ҳайрият тадбири ҳам болакайларни беҳад мамнун этди. Маданият марказининг 10 йиллиги муносабати билан «Соғлом авлод

учун» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган бу шодиёнада кутубхоналарга мумтоз ёзувчилар асарлари ёзилган аудиокассеталар, болалар журналларининг янги сонлари тортиқ қилинди. Ёқимли куй ва кўшиқлар байрам концерти дастуридан ўрин олди.

Ақбар АЛИЕВ

Сўғибол

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

ЎТган кунини

мамлакатимизнинг олти шахрида олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган XIII миллий чемпионатининг 8-тур беллашулари пойтахтимиз вакили «Локомотив»га яна бир очкони ҳаёй қилди.

Бекобод шахрида «Металлург» жамоасига қарши майдонга тушган «Локомотив» футболчилари айтиш жоизки, комбинацион, ҳужумкор ўйин намойиши этишди. Пойтахтликлар бу сафар ҳам галаба қозониш иштиёқида тўп суражакларини ҳеч кимдан яшириб ўтиришмади. Мезбонлар дарвозаси томон уюштирилган кетма-кет ҳужумлар 40-дақиқада ўз самарасини берди. С.Ақбаров томонидан мезбонлар дарвозасининг ишғол этилиши тошкентликларни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Аммо иккинчи бўлимда вазият ўзгарди. Энди мезбонлар ҳам ҳисобни тенг-

лаштиришга астойдил ҳаракат қила бошлашди. Учрашувнинг 53-дақиқасида бекободлик А.Абдуллаев томонидан рақиб дарвозасининг аниқ нишонга олиниши натижасида ҳар икки жамоа жанговар дуранга рози бўлди.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди. «Трактор» — «Насаф» — 0:1, «Бухоро» — «Навбахор» — 0:4, «Сўғдиёна» — «Қизилқум» — 2:0, «Сурхон» — «Самарқанд-Динамо» — 3:0, «Машъал» — «Андижон» — 3:1.

Навбатдаги 9-тур баҳслари 14 май кунини бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56
Ҳажми — 2 босма тибқ обфет усулида
босилади.
4273 нусxada босилди. Қорғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масаллари буйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилиниши мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида теришли ва саҳифаланиди.
«Шарқ» нашрий-матбуот акциядорлик компанияси босмоқдонси.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.